

Абдуллаев Зокир Холхужаевич
ЖИДУ мустақил тадқиқотчиси
z.abdullaev@gmail.com

CONCEPTUAL FRAMEWORKS OF ENSURING SOCIO-ECONOMIC SECURITY IN UZBEKISTAN

Abstract

Consistent development of any state, living standards and prosperity of its citizens, also, processes of keeping internal stability closely associated with ensuring socio-economic security. Today in condition of globalization, economic instability, inflation, unemployment and limited resources in the world, states are facing with new challenges, risks and threats.

In condition of Uzbekistan, this issue characterizes with its strategic importance and its ensuring demands profound analysis of theoretical approaches of socio-economic security and theoretic-practical researches, systematization of its conceptual basis.

Thereupon, this article aims at researching conceptual basis of ensuring socio-economic security in Uzbekistan.

Key words: security theory, conception, strategy, socio-economic security, entrepreneurship, national interests, challenges, internal and external factors, indicators.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

Последовательное развитие любого государства, уровень жизни и благополучие его населения, а также, процессы сохранения внутренней стабильности тесно связаны с обеспечением социально-экономической безопасности. На сегодняшний день в условиях глобализации, экономической нестабильности, инфляции, безработицы и ограниченности ресурсов в мире, перед государствами возникают новые вызовы, риски и угрозы.

В условиях Узбекистана данный вопрос имеет стратегическое значение и в его обеспечении важная роль принадлежит глубокому анализу теоретических подходов социально-экономической безопасности, вопросам изучения и систематизации научно-практических аспектов его концептуальных основ.

В этой связи, данная статья нацелена на изучение концептуальных основ вопросов обеспечения социально-экономической безопасности в Узбекистане.

Ключевые слова: теория безопасности, концепция, стратегия, социально-экономическая безопасность, предпринимательство, национальные интересы, вызовы, внутренние и внешние факторы, индикаторы.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Аннотация

Ҳар қандай давлатнинг изчиллик билан ривожланиши, унинг аҳолиси турмуш даражаси ва фаровонлиги, шунингдек, ички барқарорликни сақлаш жараёнлари ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари, иқтисодий беқарорлик, инфляция, ишсизлик ва ресурсларнинг чекланганлиги мамлакатлар олдида янги хавф-хатарлар ва чақириқларни қўймоқда.

Ўзбекистон шароитида бу масала стратегик аҳамиятга эга бўлиб, уни таъминлашда ижтимоий-иқтисодий хавфсизликка оид назарий ёндашувларни чуқур таҳлил қилиш ва концептуал асосларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш, тизимлаштириш масалалари муҳим ўрин тутди.

Шу боис, ушбу мақолада Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалаларининг концептуал асосларини ўрганиш мақсад қилинган.

Калит сўзлар: хавфсизлик назарияси, концепция, стратегия, ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик, тадбиркорлик, миллий манфаатлар, таҳдидлар, ички ва ташқи омиллар, индикаторлар.

Кириш

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида кечаётган кескин ўзгаришлар, глобаллашув жараёнлари, геосиёсий қарама-қаршиликлар, иқтисодий инқирозлар, эпидемиологик ва иқлим муаммолари тобора долзарблашиб бораётган бир шароитда, ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масаласининг давлатлар олдидаги стратегик вазифа сифатидаги аҳамияти ортиб бормоқда.

Унинг назарий ва услубий асосларига европалик Б.Бузан, О.Вавер, Я.Вильде, Я.Тинберген, С.Фишер ва М.Поттер каби олимларнинг асарларида тўхталиб ўтилган бўлса, рус олимларидан Л. Абалкин, В.Сенчагов, А.Городецкий, А.Архиповлар ушбу йўналишдаги хавфсизлик масалаларини тадқиқ этганлар¹.

Бу борада мамлакатимизда Х.Абдулқосимов, А.Ишмуҳаммедов, Х.Абдураманов, А.Исаджанов, У.Юсупов, Р.Шодиев, Б.Исроилов, М.Абулқосимов, Ш.Кобилов ва бошқаларнинг олиб борган илмий изланишларини келтириш мумкин².

Ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминланиш жамиятда барқарор ҳаёт тарзини шакллантириш, фуқароларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, камбағалликни қисқартириш, ишсизлик ва ижтимоий тенгсизликни камайтириш, инсон салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш каби муҳим вазифаларни қамраб олади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатлар бу соҳадаги сиёсатларини пухта концептуал асосларга таяниб шакллантириши лозим. Бу асослар назарий ёндашувлар, стратегиялар ва амалдаги тажрибаларга суянади. Ўзбекистонда ҳам “Янги Ўзбекистон” концепцияси доирасида аҳоли фаровонлигини ошириш, адолатли жамият барпо этиш, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Хавфсизликнинг ушбу йўналишдаги концептуал асоси деганда жамият ва иқтисодиётнинг барқарорлиги, хавф-хатарлардан ҳимоя қилинганлигини таъминлаш учун

¹ Buzan B., Weaver O., Wilde J. Security: A new framework for analysis. – London: Lynne Rienner publishers, 1997. – P.239, “Social Insurance and Economic Security” Seventh Edition. George E. Rejda Published 2015. “Economic Security: Neglected Dimension of National Security?” Edited by Sheila R. Ronis. Published for the Center for Strategic Conferencing Institute for National Strategic Studies by National Defense University Press Washington, D.C. 2011.; Абалкин Л. Экономическая безопасность России. Угрозы и их отражение // Вопросы экономики. -1994. -№ 12; Архипов А., Городецкий А., Михайлов Б. Экономическая безопасность: оценки, проблемы, способы обеспечения // Вопросы экономики. 1994. № 12. - С. 36-44

² Абулқосимов Х. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш ва академияси, — Т.: Akademiya, 2012.; Ишмуҳаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик (Ўқув қўл-ланма) –Т.: ТДИУ, 2004 - 176 б; Исаджанов А. Проблемы обеспечения экономической безопасности в условиях глобализации // Международные отношения. – Ташкент, 2006. - №3, - С.48-53; Юсупов У. Предпринимательский потенциал в обеспечении экономической безопасности гражданского общества // журнал «Жамият ва бошқарув». №2. – Ташкент, Академия государственного управления при Президенте РУз. 2016. – С. 46-51; Юсупов У. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамият фаровонлигининг асосий омилларидан бири сифатида // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1. – Тошкент. ТДИУ. 2016 Шодиев Р.Х. Некоторые аспекты обеспечения экономической безопасности // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2000. -№2; Ортиқова Д. “Иқтисодий хавфсизлик” (Ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2010. - 150 б.

асос бўладиган назарий ғоялар, тамойиллар ва моделлар мажмуаси тушунилади. Яъни бунда шахс, жамият ва давлат ижтимоий-иқтисодий соҳада қанақа хавфлардан ҳимояланиши кераклиги, иқтисодий барқарорликни қандай қилиб таъминлаш мумкинлиги ҳамда давлат ва жамият қайси сиёсатлар орқали хавфсизликни кафолатлай олиши тўғрисидаги саволларга жавоб топиш зарур бўлади.

Концептуал асоснинг таркибий қисмларини ўрганиш жараёнида асосий тамойиллар сифатида барқарорлик, ижтимоий адолат, иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик, ижтимоий ҳимоя тизими кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Унинг назарий асослари эса асосан иккита йўналишни қамраб олади:

- иқтисодий хавфсизлик назариялари – иқтисодий мустақиллик, ресурсларга эгалик, ташқи иқтисодий таъсирларга чидамлилиқ, яъни иқтисодий барқарорлик ва ривожланишни таъминлаш қобилияти. Бунда мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги, ички иқтисодий барқарорлиги, ташқи таъсирларга чидамлилиги ва стратегик ресурслар устидан назоратини сақлаш қобилияти тушунилади. Бу хавфсизлик тури давлатнинг иқтисодий сиёсати, солиқ тизими, инвестиция муҳити, саноат ривож ва экспорт-импорт балансини тўғри бошқариш орқали таъминланади.

- ижтимоий хавфсизлик назариялари – аҳолининг турмуш даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизматларга етарли кириш имкони, яъни аҳолининг ҳаёт сифатини кафолатлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлиги. Бунда фуқароларнинг асосий ижтимоий ҳуқуқ ва кафолатларини амалга ошириш, уларнинг ижтимоий муаммоларга дуч келмасдан, муносиб турмуш даражасини таъминлаш имконига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратилади. Ижтимоий хавфсизлик фақат муаммоларни ҳал этишни эмас, балки уларнинг олдини олишни ҳам назарда тутди. Давлат бу соҳада турли механизмлар – пенсиялар, ижтимоий нафақалар, субсидиялар, ижтимоий хизматлар орқали фуқароларни ҳимоя қилади.

Ушбу икки тушунча бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоя тизими, аҳолининг турмуш даражаси, соғлиқни сақлаш ва таълим сифати иқтисодий соҳадаги барқарор иш ўринларининг яратилиши, давлат бюджетининг барқарорлиги, ЯИМ ўсиши, инсон капитали ривож қилиниши каби омилларнинг самарадорлиги орқали таъминланади.

Инфляция, ишсизлик, ташқи қарзнинг ўсиши, камбағалликнинг юқори даражаси, ташқи иқтисодий босимлар (санкциялар, савдо чекловлари), табиий офатлар ёки пандемиялар ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги асосий хавф манбалари сифатида намоён бўлади, яъни улар қанчалик жиддийлашиб борса, хавфсизликнинг таъминланганлик даражаси шунчалик заифлашиб боради.

Бу боғлиқлик шуни кўрсатадики, иқтисодий хавфсизлик таъминланмаса, ижтимоий хавфсизлик ҳам издан чиқиши мумкин. Масалан, иқтисодий инқирозлар натижасида бюджет қисқариши ижтимоий дастурларга салбий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлат сиёсатининг ўрни жуда муҳим бўлиб, давлат томонидан амалга ошириладиган иқтисодий стратегиялар, ижтимоий дастурлар, ҳимоя механизмлари ва инқирозларга қарши чора-тадбирлар концептуал асоснинг амалдаги кўринишлари ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик жамият ва давлатнинг ички ҳамда ташқи таҳдидлар шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш, турмуш сифати ва даражасини сақлаб қолиш ҳамда яхшилаш имконияти эканлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, бу хавфсизлик тури ҳар бир фуқаро, жамият, бизнес ва давлат учун долзарб ҳисобланади.

Бунда хавфсизликнинг таъминланиши нафақат иқтисодий омилларга, балки жамиятдаги сиёсий барқарорлик, қонун устуворлиги, аҳоли фаровонлиги каби омилларга ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларида иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолат, инсон манфаатлари устуворлиги, камбағалликни қисқартириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш устувор мақсад сифатида белгиланган. Бу жараёнларда ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асосларини илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Бу борада, авваламбор, ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмунини чуқур ўрганиш зарур. Илмий адабиётларда ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таҳлил қилишда турли ёндашувлар мавжуд.

Сценарийли таҳлил – турли ижтимоий ва иқтисодий сценарийлар асосида хавфсизлик даражасини баҳолаш.

Кўрсаткичлар тизими – инфляция, ишсизлик, камбағаллик, давлат қарзи, инвестиция ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар орқали таҳлил.

Институционал ёндашув – давлат сиёсатининг самарадорлиги, институтлар барқарорлиги ва жамиятда ишонч даражаси.

Илмий доираларда кенг тарқалган қарашларга кўра, ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик – бу жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини, аҳоли турмуш даражаси, меҳнат ва даромад манбаларининг кафолатланганлигини, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш орқали таҳдидлар ва хавф-хатарларга қарши иммунитетга эга тизим ҳисобланади.

Хавфсизлик концепциясида иқтисодий ва ижтимоий тизимлар ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирчан бўлиб, хавфлар шиддати бу тизимлардан бирига таъсир этганда иккинчиси орқали янада кучайиши мумкин. Шу боисдан ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни ҳар томонлама таҳлил қилиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай давлатларнинг ўз миллий манфаатлари ва мавжуд хавфсизлик тизимларини такомиллаштириб боришида асосий вазифа манфаатларни уйғунлаштириш ва улар орасидаги мувозанатни таъминлаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хавфсизликка оид мавжуд замонавий концепцияларни ўрганиш, улар орасидаги умумийлик ва фарқларни белгилаш ҳар бир давлат олдидаги устувор вазифа ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ушбу йўналишда юзага келадиган хавф-хатар, турли-туман таҳдидларни ҳисобга олиш, уларга асосланган ҳолда давлат стратегияси ва сиёсатининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади¹.

Хавфсизлик стратегияларининг замонавий моделлари таҳлили, дунё амалиётида ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун бир нечта стратегик ёндашувлардан фойдаланилишини кўрсатмоқда. Хусусан:

- превентив (олдини олувчи) модел хавфларнинг рўй беришига йўл қўймасликка қаратилган;

- адаптив модел мавжуд хавфларга тез ва самарали жавоб бериш имконини беради;

- инновацион модел янги технологиялар, рақамли иқтисодиёт ва билимлар иқтисодиёти орқали хавфсизликни таъминлайди;

- инклюзив модел эса аҳолининг кенг қатламларини ривожланиш жараёнига жалб қилиш орқали хавфсизликни мустаҳкамлайди.

Ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал ёндашувлари ва истиқболларига оид аксарият манбаларда бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлатнинг ролига асосий урғу берилади. Зеро, ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлатнинг асосий вазифаси хавф-хатарларни аниқлаш, бартараф этиш ва барқарор ривожланиш шароитини яратишдан иборат. Бунинг учун давлат:

- стратегик режалаштиришни амалга оширади;

- хавфсизлик соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлайди;

- молиявий, солиқ ва инвестиция сиёсатини хавфсизлик мақсадларига йўналтиради;

¹ Муминон А.Г. Ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: “Университет” нашриёти, 2017., - Б. 10.

- ижтимоий ҳимоя ва камбағалликни қисқартириш сиёсати орқали хавфларни юмшатади;

- ташқи ва ички бозорда давлат манфаатларини ҳимоя қилади.

Қайд этиш жоизки, ҳар қандай мамлакатда шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда давлат тузилмалари билан бир қаторда, хусусий сектор ва жамоат институтлари ҳам муҳим рол ўйнайди.

Бунда тадбиркорлик фаолияти:

- иш ўринларини яратади;
- даромад манбаларини кенгайтиради;
- маҳаллий бюджетлар даромадини оширади;
- ҳудудий иқтисодий фаолликни оширади.

Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтлари эса:

- ижтимоий муаммоларга жамият эътиборини қаратади;
- норасмий сектордаги хавфларни камайтиради;
- аҳолининг фаоллигини оширади.

Шу сабабли, ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик стратегияларида давлат – бизнес – жамоатчилик ҳамкорлиги марказий ўринни эгаллаши керак.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашга оид концептуал қарашлар дастлаб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Биринчи Президентимиз И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”¹ каби асарларида ўз аксини топган.

Концепцияда ўз ифодасини топган ҳолатлар асосида ташқи сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий, муҳофаа, экология, ахборот соҳаларида ва бошқа тармоқларда хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясида “миллий хавфсизлик” – Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан кафолатли ҳимоялашнинг усул, восита ва механизмларини ўз ичига қамраб олган ҳужжат², деб изоҳ берилган.

Шу маънода сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат шаклида ифодаланган концепция Ўзбекистонда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий йўналишда хавфсизликни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишда хавфсизлик сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг концептуал асоси ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Иқтисодий ислохотлар, давлат бошқарувини рақамлаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир қонунлар, қарор ва фармонлар, камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш дастурлари шулар жумласидандир. Мазкур ҳужжатлар орқали мамлакатимизда юқоридаги моделларнинг элементлари жорий этилаётган бўлсада, уларни тизимли равишда интеграция қилиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз Раҳбари Ш.М.Мирзиёев Президентлигининг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда ҳам бу борада кенг қўламли давлат дастурларини қабул қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича концептуал асосларни янада мустаҳкамлаш, узоқ йилларга мўлжалланган, пухта ўйланган,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун, - Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997., 11-12-сон; Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, -Т.: “Ўзбекистон”, 1997й., 8-б.; Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” -Т.: “Ўзбекистон”, 1999й., - Б. 49.

² “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун, - Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997., 11-12-сон.

халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилувчи стратегияни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш энг аввало иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир. Улар яқин ва узоқ истикболга мўлжалланган, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга доир стратегик вазифаларни нафақат ишлаб чиқиши, балки амалга оширишни таъминлаши зарур¹.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш² масалалари устувор йўналишлар сифатида белгилаб олинганлиги ҳам юқоридаги фикримизнинг яққол исботи саналади.

Стратегия доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислох этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари қабул қилинди.

Миллий иқтисодиётни ислох қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди³.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қатъий иродаси ва юксак ташкилотчилик салоҳияти туфайли, халқ фаровонлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш вазифалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича янги ёндашувлар ва услублар шакллантирилди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Мурувват дафтар”лари асосида аниқ режалар ҳамда дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда амалиётда фаол қўлланилиб келинмоқда.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди ҳамда ушбу ишларни изчил давом эттириш мақсадида, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун зарурий шарт-шароитларни яратишга қаратилган ислохотлар давом эттирилди.

Хужжатнинг 3-бўлимида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича 16 та мақсадлар (21-36), шу жумладан:

- 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг доллардан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш;

¹ Мирзиёев Ш.М., Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.— Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – Б. 104.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

- тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ЯИМдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш.

- ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш белгилаб олинди¹.

Бундан ташқари, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналишида 34 та мақсадлар (37-70) белгилаб олинди, уларда аҳоли барча қатламларининг манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий хавфсизлиги кафолатлари ўз аксини топди².

Ўтган йилларда Янги Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши, ҳар қандай ташқи ва ички таҳдидлардан ишончли ҳимояланганлик ҳолатини кучайтириш, барча жабҳаларда хавфсизликни таъминлаш борасида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар мамлакатимизнинг келгусидаги ривож учун зарурий меъёрий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш зарурияти юзага келганлигини намоён қилди.

Шу мақсадда, 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги ва унинг 1-моддасида Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат³ деб белгилаб қўйилганлигининг ўзи мамлакатимизда шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда унинг концептуал асосларини янада мустаҳкамлаш масалаларига нақадар жиддий эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Мутахассислар фикрига кўра, ижтимоий давлат тор маънода ўз фаолиятида аҳолига нафақалар тўлашни, жамиятга хизмат кўрсатишни амалга оширади ва уй-жой билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Кенг маънода нафақат аҳолини бевосита қўллаб-қувватлашга қаратилган сезиларли даражада кўп сонли дастурларни, балки иқтисодиётни бошқариш ва ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни, шу жумладан, бандлик ва у билан боғлиқ масалаларни ҳамда комплекс макроиқтисодий бошқарувни амалга оширади⁴.

Янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси⁵ қабул қилинди ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида, унда қуйидаги асосий ғоялар акс эттирилди:

- барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;

- аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш;

- аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш;

- халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш;

- мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш⁶.

Таъкидлаш жоизки, стратегия мамлакатимизнинг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид деярли барча муҳим жабҳаларни қамраб олган бўлиб, мазкур йўналишдаги хавфсизликни таъминлаш бўйича концептуал асос вазифасини бажаради.

¹ Ўша жойда

² Ўша жойда.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

⁴ Баратов Р.Ў., Раматов Ж.С. “Ижтимоий давлатнинг концептуал асослари”, - “Yangi O‘zbekiston huquqiy, dunyoviy va ijtimoiy davlat sifatida rivojlanishining ijtimoiy, falsafiy, iqtisodiy va siyosiy masalalari”, (E)ISSN: 2181-1784, 4(21), May, 2024.- B. 760. <https://doi.org/10.5281/zenodo.12189281>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони.

⁶ Ўша жойда

Хусусан, унда ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш мақсадида, таълим тизими, аҳоли саломатлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш, ёшларга оид давлат сиёсати ва спорт йўналишларида кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш масалаларига алоҳида урғу берилган¹.

Стратегия доирасида қуйидаги вазифалар белгиланган:

- 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш;
- иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш;
- миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин ошириш;
- монополь соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш;
- ҳудудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш;
- ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар бевосита ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик йўналишидаги таҳдидлардан ишончли ҳимояланганлик ҳолатини янада мустаҳкамлаш.

Хулоса

Умуман олганда, ҳозирги глобаллашув, геосиёсий беқарорлик, иқтисодий ўзгаришлар ва жамиятдаги ижтимоий муаммолар шароитида мамлакатларнинг барқарор ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш долзарб вазифага айланди. Камбағаллик, ишсизлик, инфляция, ташқи иқтисодий таъсирлар, миграция, демографик муаммолар каби омиллар давлатларнинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорлигига хавф солади.

Мана шундай шароитда ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик стратегик аҳамиятга эга бўлиб, у мамлакат мустақиллиги ва тараққиётининг пойдевори, иқтисодий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Унга таъсир этувчи хавфлар кўп қиррали ва динамик табиатга эга.

Унинг асосий кўрсаткичлари сифатида ишсизлик даражаси, камбағаллик миқёси, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция ва нархлар барқарорлиги, бюджет ва ташқи қарз баланси, аҳолининг ижтимоий ҳимояси даражаси кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистонда амалдаги қонун ҳужжатлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ҳукумат томонидан қабул қилинган стратегиялар ва ислохотлар ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган бўлсада, уларни амалга оширишда тизимли ёндашув ва мониторинг механизмларининг самарадорлигини ошириш зарур.

Шу боис, хавфсизликни таъминлаш учун концептуал ёндашувлар, хавф-хатарларни баҳолаш индикаторлари, комплекс мониторинг тизими зарур ҳамда уларни пухта ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш нафақат илмий, балки катта ижтимоий ва сиёсий аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

¹ Ўша жойда

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни, - Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони.
6. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
7. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” -Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
8. Мирзиёев Ш.М., Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017.
9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017.
10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017й.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 23.08.2022.
12. Абулқосимов Х. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, — Т.:Akademiya, 2012.
13. Баратов Р.Ў., Раматов Ж.С. “Ижтимоий давлатнинг концептуал асослари”, - “Yangi O‘zbekiston huquqiy, dunyoviy va ijtimoiy davlat sifatida rivojlanishining ijtimoiy, falsafiy, iqtisodiy va siyosiy masalalari”, (E)ISSN: 2181-1784, 4(21), May, 2024. 760-б. <https://doi.org/10.5281/zenodo.12189281>
14. Муминов А.Г. Ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: “Университет” нашриёти, 2017.
15. Абалкин Л. Экономическая безопасность России. Угрозы и их отражение // Вопросы экономики. 1994. - № 12;
16. Кормишкина Л.А., Саушево О.С. Общая экономическая безопасность: учебное пособие. – Саранск, 2012. – С.3.
17. Buzan B., Weaver O., Wilde J. Security: A new framework for analysis. – London: Lynne Rienner publishers, 1997. – P.239.